

**Савол: Куръон оятлари маъносини билмасдан ёдласа бўладими?**

Жавоб: Бўлади. Чунки ёдлашга киришаётганлар кўпинча ёш болалар бўлиб, уларга оят маъноларини англатиш анча мушкул. Бирок Куръон тажвидини мукамал ўргатмок лозим. Чунки тажвидсиз Куръон ўқиш – гунох. Бундан ташқари, арабча талаффузга ёшликда тилни яхши ўргатиб олиш керак. Ёш улгайгач, хар канча уринса хам, харфларни махражидан чикариш кийин бўлади.

Куръон ёдлатувчи устоз талабаларга илм ўрганиш фарз амали эканини, Куръон маъноларини билиб, хаётда унга амал килиш зарурлигини тинимсиз уктириб бормоги лозим.